
ЎзА: Банк кўмаги – тадбиркорларга мадад

Ўтган йили Марғилон шаҳрида "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида 567 та хонадонга 12,6 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Мазкур маблағнинг 4,8 миллиард сўми тикувчиликни йўлга қўйган 282 оиласга йўналтирилди. Шаҳарнинг Иқбол маҳалласида яшовчи Турдихон Абдуллаева раҳбарлигидаги "Дониёр техно бизнес" оиласи корхонаси шулар жумласидан.

Турдихон опа 2018 йил декабрь ойида "Агробанк"нинг Марғилон филиалидан 25 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, 5 нафар қизи, келини, набираси ва синглиси билан бирга аёллар кўйлаги, халат, чопон, футболка ва миллий кийимлар ишлаб чиқара бошлади. Мана, З ойдирки, ҳар ойда 15-20 миллион сўмлик маҳсулот ички бозордан ташқари қўшни Қирғизистон ва Тожикистон давлатларига ҳам етказиб берилмоқда.

Турдихон Абдуллаеванинг қўшниси Баҳромжон Мирхўжаев ҳам ўтган қисқа вақтда банкнинг 25 миллион сўмлик имтиёзли кредитидан фойдаланган ҳолда 2000 дона аёллар сумкаси ва 3500 жуфт аёллар пойафзали ишлаб чиқарди. Энг муҳими, бу ерда 15 нафар аёл доимий иш билан таъминланган.

2019-03-03 15:02:18